



## Агар одамлар золимни кўрсалар-у, унинг қўлидан тутиб (зулмдан) тўхтатмасалар, Аллоҳ тез орада уларнинг барчасига Ўз ҳузуридан умумий бир жазо юбориши мумкин

Эй инсонлар! Сизлар ушбу: «Эй имон келтирганлар! Ўзингизни ислоҳ қилинг (ўзингизга қаранг)! Агар тўғри йўлда бўлсангиз, адашган кимсалар сизга зарар етказа олмас» оятини ўқийсизлар (аммо нотўғри тушунасизлар). Мен эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Агар одамлар золимни кўрсалар-у, унинг қўлидан тутиб (зулмдан) тўхтатмасалар, Аллоҳ тез орада уларнинг барчасига Ўз ҳузуридан умумий бир жазо юбориши мумкин».

[Саҳиҳ] [Абу Довуд, Термизий, Насоий «Сунани Кубро»да, Ибн Можа ва Аҳмад ривоят қилган]

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу хабар берадилар: одамлар ушбу оятни ўқийдилар: «Эй имон келтирганлар! Ўзингизни ислоҳ қилинг (ўзингизга қаранг)! Агар тўғри йўлда бўлсангиз, адашган кимсалар сизга зарар етказа олмас». Ва бу оятдан шуни тушунадиларки, гўёки инсон фақат ўз нафсини тузатишга ҳаракат қилиши кифоя ва шундан кейин адашган кимсаларнинг залолати унга зарар бермайди, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, улар (бу оятни далил қилиб) ўзларини «амри маъруф» ва «наҳий мункар» (яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш) қилишга масъул эмас, деб ўйлайдилар. Сўнг Абу Бакр разияллоҳу анҳу уларга бу оятнинг маъноси улар ўйлагандек эмаслигини билдирдилар ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деганларини эшитганларини айтдилар: «Агар одамлар золимни кўрсалар-у, унинг зулмини тўхтатишга қодир бўла туриб тўхтатмасалар, Аллоҳ таоло уларнинг барчасига — мункар ишни қилувчига ҳам, унга сукут қилиб қараб турганга ҳам Ўз ҳузуридан умумий бир азоб юбориши яқиндир».

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3470>

